

Ташриф

Яқинда Самарқанд вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши аъзолари Тошкент шаҳрига меҳмон бўлиб келишди. Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Гафур Раҳимов илик сўзлар билан қарши олар экан, барчани яқинлашиб келатган Хотира ва қадрлаш куни билан самимий қутлади.



ПОЙТАХТГА САЁХАТ

тилаётган бу эҳтиромдан бошимиз осмонга етди, — дейди Самарқанд вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Умидкул Дўстбеков. — Кўрсатилган бу эътибор учун, саёхатни ташкиллаштиришда ҳамкорлик қилган Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва фахрийлар кенгашига миннатдорлигимизни билдираимиз.

Меҳмонлар даставвал, Мустақиллик майдонида бўлиб, у ерда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар ҳамда Мустақиллик ва эзулик монументи пойга гулчамбарлар қўйдилар. Сўнгра Мотамсаро

она хайкали, соҳибқирон Амир Темура хайкали пойга гуллар қўйишди. Шундан сўнг Темурийлар тарихи давлат музейи, Шаҳидлар хотираси майдони ва Хазрати Имом мажмуасини зиёрат қилишди. Меҳмонлар гузал шаҳримиз

нинг яна бир сўлим гўшаси, айниқса, баҳорда яна ҳам чирой очган Алишер Навоий номидаги миллий богда ҳам бўлдилар. — Ички ишлар тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини суриб юрган биз, фахрийларга кўрса-

Ха, дийдорга нима етсин. Фахрийларимиз мана шундай учрашувларни бундан кейин ҳам ўтказиб туришни ният қилиб меҳмонларни кузатиб қолдилар. **Муҳаммаднӣёв АБУТОВ,** истеъфодаги полковник. **Сарвар СОБИРОВ,** журналист.

Хизмат жойи — Қоровул қўшинлари

ҚАЛБЛАРДА ВАТАН ИШҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мен ҳарбий хизматга Самарқанд шаҳридан келганман. Йигитлик бурчини ўташ ҳар биримизнинг ифтихоримиз. Юрт тинчлигини асраш эса жуда шарафли вазифа деб биламан, — дейди Шоҳруҳ Абдуразақов. — Ўтган вақт ичида ҳарбий ҳаёт билан яқиндан танишдим, жисмонан чиникдим, билимимни, дунёқарашимни янада бойитдим. Энг асосийси, ҳарбий соҳага бўлган иштиёқим кучайди. Келажақда олий маълумот олиб, ҳарбий хизматчи бўлмоқчиман. Андижонлик Адҳам Алижонов, Элмурод Исмоилов ҳам ўзгача фахр туйган ҳолда хизматни ўтагач, шартнома асосида хизматни давом эттириш мақсадида эканлигини айтишди. Шу билан бирга, яратилган шарт-шароитлардан мамнун эканликларини билдирдилар.



— Янги келган аскарларда ҳарбийликка кўникма ҳосил қилиш, уларнинг жисмон ва жанговар тайёрликларини ошириш, ҳарбий интизом билан чуқур таништириш биринчи галдаги вазифамиз, — дейди ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Эргашбой Носиров. Шунингдек, маънавий, руҳий махсус тайёргарликлар ўтказиш, уларда ватанпарварлик ҳиссини янада кучайтириш учун бор имкониятлар ишга солинган. Аввало, барча машғулотларни тажрибали офицерлар олиб бораётганини таъкидлаш жоиз.

сўхбат ўтказиш, унинг руҳиятига ижобий таъсир ўтказиши. Унинг қизиқишларини янаям оширади, — дейди сўхбатдошимиз. Гурӯҳ командири, сержант Шерали Восиев эса аскарларга Қоровул қўшинлари тактик тайёргарлиги, ўқ отиш, ҳарбий муҳандислик, умумҳарбий низоми тайёргарлиги, ҳарбий топографик машғулотларни ўтади. Аскарларнинг ҳақиқий мард ўғлон бўлиши, юртининг қорига ярайдиган довжорак бўлиши учун улардан бор билим ва тажрибасини аямаяди.

ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Ҳарбий қисмдан қайтар эканмиз, юртимиз келажагини яратувчи ёшлар — аскар йигитларнинг қалбидаги юртга бўлган муҳаббат, собитқадамлик ва шиддатни кўриб, юртимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли кўларда эканлигига яна бир қарра амин бўлдик. Зеро, ботирлари, қалбида юрт ишқи ёниб турган фарзандлари бор бўлган Ватан осмони ҳаммиса мусаффо бўлади.

Умид БОЛЛИЕВА, «Поста» муҳбири. **Суратларда:** ҳарбий қисм ҳаётидан лавҳалар. **Абу КЕНЖАЕВ** олган суратлар.

Огоҳлик

ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р. Қодиров раислигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш бўйича Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари ва «Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг масъул котиби тўғрисида»ги Низом муҳокама қилинди. Муҳокамада таъкидланганидек, юқорида зикр этилган ҳудудий идоралараро комиссиялари томонидан муайян

ишлар амалга оширилган. Ва айни бир вақтда улар фаолиятда қатор камчилик ҳамда нуқсонларга ҳам йўл қўйилган. Шу тўғрисида таъкидланди одам савдосига қарши курашишнинг амалга оширувчи барча мансбдор шахсларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилди. Соҳага доир тадбирларнинг бажарилишини жадаллаштириш ва тақомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашиш

да аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, йиғилиш иштирокчиларининг эътибори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хўжалик субъектларини ҳимоя қилиш ва янги иш ўринларини яратиш масалаларига қаратилди. Шунингдек, фуқароларнинг одам савдосига қарши курашишга айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида тарғибот тадбирларини жадаллаштириш ҳамда одам савдосига жабрдийдаларига тиббий, психологик, юридик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш комиссиясининг асосий мақсадларидан бири эканлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида «Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши натижасига қўра, қабул қилинган қарор ижро этиш учун тегишли идораларга юборилди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси.

Ҳисобот йиғилиши

Жамиятда аёлларнинг ўрни беқийс. Улар дийримиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиш билан бирга, ўз билими, малакаси ва маҳорати билан кўпгина жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб келишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам эркаклар билан ёнма-ён туриб, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби масъулиятли ва шарафли ишга ўз хиссаларини қўйиш билан бирга оилаларида оналик, бекалик бурчларини бекаму кўст бажариб келатган аёллар талайгина. Уларнинг иш фаолиятлари, ижтимоий интизоми, қонунчилик, ички тартиб-қоидаларга риоя этишларини назорат қилиш,



АЁЛЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

хизматда, уйда юзага келатган муаммоларни ҳал қилиш ва бошқа ташкилий-маиший масалаларга эътибор қаратиш тизимида хотин-қизлар кенгашлари зиммасига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хотин-қизлар кенгашининг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шулар ҳақида сўз юритилди. Йиғилишда вазирлик Хотин-қизлар кенгаши аъзолари, марказий аппаратда хизмат қилаётган хотин-қизлар, тизимидаги олий ўқув юрлари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБ-

лар хотин-қизлар кенгашлари раислари иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, полковник С.Нурматов қатнашди ва олиб борди. Вазир ўринбосари ўз сўзида тизимида жамоат ташкилоти сифатида фаолият юритаётган Хотин-қизлар кенгашлари томонидан ўтган 2008-2009 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганини қайд этди. — ИИБ Қоровул қўшинларининг ҳарбий қисмларида, жой-

лардаги ички ишлар идораларида ўтказилган тадбирлар давомида маҳаллий ҳокимиятлар, маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлаётган аёллар билан биргаликда ёшларни тарбиялашда, уларнинг диний-экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраш борасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди, — дея таъкидлади нотик. Республика ИИБ Хотин-қизлар кенгаши раиси, полковник Қ.Султонова кенгашининг икки йиллик фаолияти бўйича ҳисобот берди. Маърузачи ўтган давр мобайнида кенгаш томонидан амалга оширилган ишларни батафсил таҳлил этаркан, ходимларнинг хизмат интизоми, маъжуд қонунчиликка, махсус кийим-бош кийиш қоидаларига риоя қилинишига ҳамда муоамала маданиятига алоҳида тўхталиб қарайди. Бу борада йўл қўйилган камчиликларни айтиб ўтди. Шунингдек, Халқаро хотин-қизлар кўни, Наврўз байрами, Мустақиллик, Ички ишлар идоралари ходимлари кунини муносиб нишонлаш, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида «Ёшлар ўрта-

сида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика самарадорлигини оширишда хотин-қизларнинг фаолиги мавзусидаги семинарлар, ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти, Қоровул қўшинлари бош бошқармасида «Шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларини тарбиялашда аёлларнинг ўрни» мавзусига бағишланган давра сўхбатлари, Нукус шаҳар, Бўхоро, Хоразм, Фарғона, Наманган вилоятларида бўлиб ўтган ёшлар форумлари, Тошкент шаҳар ва пойтахт вилоятида жойлашган Меҳрибонлик уйларида уюштирилган ташриф ва учрашувлар юқори савияда ўтказилганлигини таъкидлади. Шу билан бир қаторда ИИБ раҳбарияти билан келишиб, ҳал этилиши зарур бўлган муҳим масалаларга ҳам тўхтади. Йиғилишда ИИБ Хотин-қизлар кенгаши раиси ўринбосари, майор Б.Содиқова, подполковник Ф.Зокирова ва ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилдилар. Шунингдек, ИИБ ТОХТБЮ, Академияси, Фарғона вилояти ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ хотин-қизлар кенгашлари раисларининг ҳисоботлари тингланди ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. **Муҳаббат ИБРАГИМОВА,** Суратларда: йиғилишдан лавҳалар. **Абу КЕНЖАЕВ** олган суратлар.

Ўқув-семинар

МАШҒУЛОТЛАР ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Бўхоро вилояти ИИБда Наркотрафик ва наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши курашиш бўлими ҳамда бўлимлари тезкор вакиллари билан ўқув-семинар машғулоти ташкил этилди. Ходимлар машғулоти давомида наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан республикамиз қонунчилиги, ИИБ буйруқлари ҳамда кўрсатмалари, қонунчиликдаги қўшимча ва ўзгаришлар билан атрафлича танишдилар. Шунингдек, жанговар, жисмоний ҳамда тиббий тайёргарликларни мустақамлашда ёрдам берувчи амалий машғулотларда фаол иштирок этдилар. Машғулотларда республика ИИБ ЖК ва ТКҚБ ҳамда Академия мутахассисларининг маърузалари тингланди. Наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши курашиш борасида-

ги услубий қўлланмалар, бу борада ички ишлар ходимлари зиммасидаги вазифалар кўрсатиб ўтилди. Республикада «иссиқ изида» очилган жиноятлар акс эттирилган кўргазмали видеороликлар, тезкор лавҳалар намойиш этилди. Шунингдек, ички ишлар идораларида кўп йиллардан буюн самарали хизмат қилаётган малакали ходимлардан — майор Аълам Шамсиев ва подполковник Алишер Ондаев ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Машғулотларнинг ўзаро мулоқот ва савол-жавоб тарзида ташкил этилиши уларнинг мазмуни ва жонли ўтишини таъминлади. Ўқув-семинар машғулоти сўнггида ҳар бир тезкор вакилдан машғулотлар юзасидан тест сивовлари қабул қилинди.

Шухрат ЖАЛОЛОВ, капитан. **Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА,** Бўхоро вилояти.

Амалиёт

НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР СИНОВДАН ЎТМОҚДА

Шу кунларда республика ИИБ Академияси битирувчи курс тингловчиларининг 35 нафари Самарқанд вилояти ИИБ бўлимларида амалиёт ўтамоқдалар. Улар жиноятларни фош этишда қатнашлари мумкин, ҳужжатларни тўғри юритиш йўл-йўриқларини ўрганишда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тадбирларида иштирок этишда. Хуллас, ички ишлар идоралари ходимларининг хизмати нақадар масъулиятли ва машаққатли эканлигини ўзлари ҳис этидилар.

Амалиёт ўтаётган тингловчилар гуруҳига республика ИИБ Академияси жиноят процесси кафедраси ўқитувчиси, подполковник Шакар Аслонов раҳбарлик қилаётган экан. — Амалий машғулотлар тергов ҳаракатлари, экспертиза ва криминалистика, тезкор-қидирув иши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишлари бўйича олиб бориляпти. Тингловчилар жиноятларни очинида фаол қатнашишда, мустақил равишда экспертизалар ўтказишда, ҳужжатларни юриштириш, ушланган шахслар билан сўхбатлар ўтказишда.

ҳоятда масъулият билан ёндашишмоқда. Улар ишнинг бир қарашида арзимасдек туюладиган жихатларини ҳам ўзлаштириш баробарида мураббийларнинг тажриба ва кўникмаларидан ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Буларнинг барчаси уларнинг келгуси

амалда таъкид қилиш имкониятига эга бўлди. Мураббийим профилактика катта инспектори, майор Фарход Жумаевдан жуда миннатдорман. У соҳанинг сирасорларини эришмасдан ўргатяпти. Айнан амалиёт чоғида профилактика инспекторининг иши нечоғлиқ масъулиятли, савобли эканлигини англаб етдим. У ўз хизмат ҳудудиде кўплаб муаммоларни ҳал эта олар, энг муҳими, одамларга ёрдам бера билар экан.

Амалиёт ўтаётган тингловчилар гуруҳига республика ИИБ Академияси жиноят процесси кафедраси ўқитувчиси, подполковник Шакар Аслонов раҳбарлик қилаётган экан. — Амалий машғулотлар тергов ҳаракатлари, экспертиза ва криминалистика, тезкор-қидирув иши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишлари бўйича олиб бориляпти. Тингловчилар жиноятларни очинида фаол қатнашишда, мустақил равишда экспертизалар ўтказишда, ҳужжатларни юриштириш, ушланган шахслар билан сўхбатлар ўтказишда.

ҳоятда масъулият билан ёндашишмоқда. Улар ишнинг бир қарашида арзимасдек туюладиган жихатларини ҳам ўзлаштириш баробарида мураббийларнинг тажриба ва кўникмаларидан ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Буларнинг барчаси уларнинг келгуси

амалда таъкид қилиш имкониятига эга бўлди. Мураббийим профилактика катта инспектори, майор Фарход Жумаевдан жуда миннатдорман. У соҳанинг сирасорларини эришмасдан ўргатяпти. Айнан амалиёт чоғида профилактика инспекторининг иши нечоғлиқ масъулиятли, савобли эканлигини англаб етдим. У ўз хизмат ҳудудиде кўплаб муаммоларни ҳал эта олар, энг муҳими, одамларга ёрдам бера билар экан.

Алишер БОЗОРОВ: — Назарий билимларимни амалиётда синиб қураётганимдан жуда хурсандман. Устозим Самарқанд шаҳар ИИБ ТБ терговчиси, катта лейтенант Анвар Раҳматов билан бир неча бор воқеа жойига чиқдик. Унинг ишини кузатар эканман, жабрланганлар билан қандай гаплашиш, гумон қилинувчилар билан мулоқот чоғида ўзини қандай тутиш ва яна бошқа кўп нарсаларни ўргандим. Ҳадемай амалиёт тугаб, тингловчилар қадрдон билим даргоҳларига қайтадилар. Сўнг хаш-паш деғунча ИИБ Академияси бағридан учирма бўладилар. Ушанде уларнинг амалиётни ўташ чоғида ортирган кўникмалари келгусидаги мустақил фаолиятларида қўл келиши шубҳасиз.

ҳоятда масъулият билан ёндашишмоқда. Улар ишнинг бир қарашида арзимасдек туюладиган жихатларини ҳам ўзлаштириш баробарида мураббийларнинг тажриба ва кўникмаларидан ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Буларнинг барчаси уларнинг келгуси

ҳоятда масъулият билан ёндашишмоқда. Улар ишнинг бир қарашида арзимасдек туюладиган жихатларини ҳам ўзлаштириш баробарида мураббийларнинг тажриба ва кўникмаларидан ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Буларнинг барчаси уларнинг келгуси

ҳоятда масъулият билан ёндашишмоқда. Улар ишнинг бир қарашида арзимасдек туюладиган жихатларини ҳам ўзлаштириш баробарида мураббийларнинг тажриба ва кўникмаларидан ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Буларнинг барчаси уларнинг келгуси

Дилбар САЛОҲИДИНОВА. **Суратда:** республика ИИБ Академияси тингловчилари билан Самарқанд шаҳар ИИБ ЭКБ бўлимида бошлиги, майор Т. Нурматов амалий машғулоти ўтмоқда. **Муаллиф олган сурат.** Самарқанд вилояти.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

БОЗОР БОБОНИНГ ШОНЛИ ҲАЁТИ

Уруш... Миллионлаб йўқотишлар, вайронгарчиликлар, етим қолган болалар, бева аёллар, жигарбандидан айрилган оналар фарёди. Бу қора кунлар боболаримиз нигоҳларида абадий муҳрланиб қолган. Бунга тарих, тирик тарихга айланган бо- бою момоларимиз гувоҳ.

Бироқ бешафқат ўлим Иккинчи жаҳон урушида иштирок этганларнинг сафини тобора сийраклаштирмоқда. Суронли йиллардан бугунги кунимизга эсон-омон етиб келган оппоқ соқолли Бозор Очиловнинг тарих чизиқлари саналган юзларидаги ажинлар ўша мудҳиш кунлар хотираси бўлса ажаб эмас.

Бозор Очилов Косон туманининг Дарча қишлоғида таваллуд топди. Оилада икки фарзанд бўлиб, унинг отаси ишчи эди. Тақдир экан, бахтсиз ҳодиса туфайли ота ҳаётдан бевакт кўз юмди. Онаси ҳўжалик ишларида меҳнат қилиб, рўзгор тебрати- б, болаларни воёга етказди.

Уруш бошланиб, оталар, акалар, норгул йигитлар фронтга жўнади. Олис улкаларда давом этаётган уруш ҳамма жойни бирдек таҳликага солди. 1944 йилда Бозор Очилов ҳам ҳарбий хизматга қақирилди. Икки ой Чирчиқдаги артиллерия заҳира поли- да тайёргарлик машқларини ўта- га, урушнинг қайноқ ўчоғи 1-Бело- руссия фронтида бўлди. Орадан кўп ўтмай артиллериячилар қаторида Германияга жўнатилди.

– 1945 йилнинг 8 май кўнида Гер- маниянинг Эльба дарёси бўйида ҳар- бий тайёргарлик машқларни бажариб турганимизда радио орқали уруш ту-

гагани тўғрисида хабар берилди, – деб эслайди Бозор бобо. – Бу қувончи хабарни эшитган аскарларнинг кийкириқлардан еру кўк ларзага келди. Барча кўзда ёш билан бир-бирини бағрига босар, ҳатто ярадорлар ҳам ўзида кўч тўплаб қуролларини кўтариб ол- га юришар, ҳамма шундай кунларга етганига шукрона айтарди. Икки кун дегадана ҳам тўп овозлари тин- мади. Ғалаба нашидаси бутун дунё бўйлаб кезганида эндигина йигир- ма ёшда эдим.

Бозор Очилов орадан олти йил ўтиб, яъни 1950 йилда ўз юртига қайтди. Суронли йиллар даҳша- тини унутиш осон бўлмади. Жи- гарпорасидан айрилган оналар, бева қолган ёрлар йиғиси кўнгли- ни доғларди. Кунларнинг бирида Бозор акани ички ишлар идора- сининг ходими ишга тақлиф этиб қолди ва уни бошқармага олиб бор- ди. Кўп ўтмай, Б. Очилов Давлат фельдъегери сифатида ишга қабул қилинди. Кейинчалик катта фельдъ- егер, Давлат фельдъегерлик хизма- тининг Қарши шаҳар бўлинимаси бо- шлиги лавозимига самарали фаолият кўрсатди ва майор унвонида нафа- қага чиқди. Узок йиллик меҳнат фа- оляти давомида ҳалол ва виждонан ишлаганини Бозор бобонинг



кўксини безаб турган кўплаб орден ва медаллар исботлаб турибди.

1994 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони- га кўра «Жасорат» медали билан, 2005 йил 6 апрелда эса «1941-1945 йил- лардаги Улуу Ватан урушидаги ғала- банинг 60 йиллиги» юбилей медали билан тақдирланди. Шунингдек, Бо- зор Очиловга 2009 йилда Беларусь Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси мазкур давлатни бошқинчилар-

дан озод этилганининг 65 йилли- ги муносабати билан таъсис этилган юбилей медалини топширди.

Бозор ака турмуш ўртоғи Маҳфи- рат Набиева билан ўн бир фарзанд- нинг ота-онаси бўлишди. Фарзанд- лари бугун хўжалигининг турли тармоқларида самарали меҳнат қилишмоқда. Бир этак набира ва эва- ралар ардоғида бўлган лавҳамиз қаҳрамони мана шундай дорилмон кунларга етганидан беҳад бахтиёр.

– Бу кунларга етганлар бор, ет- маганлар бор, – дея қўла қўла очар- кан Бозор бобо. – Урушни биз кўрдик, болаларимиз кўришмасин. Унинг жабру ситамларини кўрган- лар билди. Тинчлик, осийшталик- нинг қадрига нима етсин. Тинчлик бор жойда, фаровонлик, юксалиш бўлади.

Меҳнатимиз Юртбошимиз, ҳукума- тимиз томонидан муносиб баҳолан- ди. Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йил- лиги нишонли муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қат- нашчилари ва ногиронларини муқо- фотлаш тўғрисида»-ги Фармони биз- ларни роса қувонтирди. Меҳнатим қадр топганига шукрона айтаман.

Бозор бобо сингари юртдошлари- мизнинг заҳматли меҳнати, амалга оширган ишлари бугунги соҳа ходим- лари, мутахассислари учун ибрат мактабини ўтамоқда. Албатта, умри- ни эзгуликка, халқига бахшида этаёт- ган бу каби инсонлар доимо эъти- борда бўлиб қолаверади.

Афтондил ИСМОИЛОВ.

2010 йил – Баркамол авлод йили

ЁШЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимиз истиклолга эриш- га, жамиятнинг барча бўғинларида туб ўзгаришлар юз берди. Шунинг- дек, оламшумул тадбирлар амалга оширилиб, аҳолининг тинч-тотув яшаши, ҳаёт даражасининг яхшила- нишига эришилди. Чунинчи, мамла- катимизда болаликни муҳофаза этишга доир қатор қонунлар қабул қилиниб, бу борада ҳуқуқий асослар- ни яратиб, доимий назоратга олиш- ни таъминлаш юзасидан ички ишлар идораларида ҳам чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Сурхондарё вилоятида амалга оши-

рилётган ишлар салмоқлидир. Термиз санъат коллежи талаба- лари билан ички ишлар ходимлари иштирокида «Ёшлар: бугун, эртага» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Термиз шаҳар ИИБ, прокурату- раси, МХХ ва «Камолот» ёшлар иж- тимойи ҳаракати вилоят кенгаши хо- чимлари қатнашди. Улар «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва унинг бажарили- ши юзасидан ўтказилаётган тадбир- лар ҳамда ёшлар олдига турган ва- зифалар ҳақида суҳбатлашди. – Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идо-

ралари ходимларининг бундай таш- рифлари талаба-ёшларимиз ўртаси- да учрайдиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда катта ёрдам беради, – дейди Термиз санъат коллежи ди- ректори Ҳайитмурод Примов. – Ёш авлодни Ватанга содиқ, билимли қилиб тарбиялаш эса бизнинг бирин- чи галдаги вазифамиздир.

Давра суҳбатида қатнашган тала- балар ўзларини қизиқтирган савол- ларга жавоб олишди.

Очилди ОЙНАЗАРОВ.

Сурхондарё вилояти.

Хабарлар

МУАССАСАДА ТАНТАНА

Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБ тизимидаги жазони ижро этиш муассасасида Наврўз байрами шоду хуррамлик билан нишонлан- ди. Дастурхонга ош, сумалак ва баҳорий ноз-неъматлар тортилди.

Тадбирни муассаса бошлиғи, полковник Э. Ҳамроев очиб деб эълон қилди. Вилоят ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфо- даги полковник С. Мадаминов ташриф бу- юрган меҳмонлар ва шахсий таркибни Наврўз билан табриклади. Шу кунги хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган И. Фаизиевнинг оиласи ҳамда шифохонада даволанаётган ходимлар ҳолидан хабар олинди.

Р. МУХТОРОВ, капитан.

Қашқадарё вилояти ИИБда жорий йилнинг биринчи чо- рағи якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда со- ҳавий хизматлар, шаҳар ва туманлар ИИБ бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, тезкор хизмат вакиллари ишти- рок этишди. Йиғилишни бошқарма бошлиғи, генерал-май- ор А. Қўлдошев олиб борди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тадбирда жорий йилнинг уч ойи давомида жиноят қидирув, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати, ёнғин хавфсизлиги хиз- матлари томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан мазкур соҳалар ҳамда бир неча туман ИИБ раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Шунингдек, воҳада ижтимоий-сиёсий вазият барқа- рорлигини таъминлаш бўйича қилинган сий-ҳаракатлар, кел- гуси вазифалар ҳусусида батафсил сўз юритилди.

Йиғилишда ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчи- ликлар муҳокама этилиб, муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари белгиланди.

Содиқ РАҲИМОВ.

Ватан ўғлонларин унутмас

ҚАСАМЁДИГА СОДИҚ ҚОЛДИ

Алишер мактабда ўқиётган- да машғуллардан бирида ўқитувчи Иккинчи жаҳон уруши- да ҳаюратларимиз кўрсатган жасоратлар ҳақида сўзларкан, ўқувчиларга қараб: – Сизлар ҳам ана шундай жасоратларга тайёргингизни исботлашингиз. Ватан, унинг раванки, тинчлиги учун сидқидил- дан хизмат қилишингиз ке- рак, – деди.

Бу сўз Алишерга қаттиқ таъсир кўрсатди. У жойидан даст туриб, ҳаяжон билан кес- кин жавоб қилди: – Биз вақти келганда Ватан олдидаги бурчимизни шараф билан бажарамиз. Керак бўлса, жонимизни ҳам аямаймиз.

Катта лейтенант Алишер Эргашев ўша сўзларини ис- ботлади.

Алишер ҳарбий хизматни ўтаган, Андижон давлат универ- ситетининг тарих факультети- га кириб ўқиди. 1996 йилдан Андижон вилоятининг Избоскан тумани ИИБда хизмат қила бошлади. Кейинчалик у вилоят ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бо- шқармасига катта инспектор лавозимига ўтказилган.

Террорчилар тунда нав- батчилик қисмига қўтилмаганда ҳужум қилдилар. Катта лейте- нант Алишер Эргашев сароси- мага тушмай, ўқ отиш учун кулай жой топиб, ўрнашди. Шу пайт жангарилар орқа томондан ўқ

ота бошладилар. Анча нарида дам олаётган ходимларни худ- дам билан хабардор қилиш ло- зим эди. Алишер ўша томонга қараб ўраётганда, яраланди. Аммо ҳамкасбларини хабардор қилишга улгурди ва қонга белан- ган ҳолда охириги ўқи қолгунча отишдан тўхтамади.

Маҳалладошлари Алишерни қўшниларга қайишадиган, яхши ота сифатида, хизматдошлари эса бир сўзи, мард инсон сифатида билдиришди. ПГХ ходимлари дои- мо халқ орасида, кимнинг боши- га тавиш тушса, аввало, уларга мурожаат этишарди.

– Алишер техникани яхши

биларди, – дейди унинг ҳам- касблари. – Айтилик, кимнинг- дир уяли телефони бузилиб қолса, Алишерни излаб қоли- шарди. Автомобиль ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳали қўл теккизмасдан машинанинг қаерида нуқсон борлигини ай- тарди.

Соғлом турмуш тарзига амал қиладиган Алишер спорт билан мунтазам шуғулланарди. Бўш вақтларини тренажёр зали ёки спорт майдонида ўтказарди. Шунинг учун ҳам у ҳамisha те- тик, бардам кўринарди.

– Алишер ички ишлар идо- раларида хизмат қилаётгани

билан фахрланарди, – дейди ПГХ батальон командирининг ўринбосари, капитан С. Соҳиб- жонов. – Агар бошлиқ унга тан- бех берса, «Уртоқ бошлиқ, ха- тони тўғрилаймиз», дерди ғоз туриб. Унинг батони тўғрила- шига шубҳа бўлмасди. Чунки Эргашев айтган гапининг устан- дан чиқадиган йиғит эди. У ўзига ҳам, бошқаларга ҳам та- лабчан эди. Бундай йиғитни унутиб бўладими? Ишончим ко- милки, Алишерни билганлар уни унуттирмайди. Илоҳи бори- ча, Эргашевлар оиласидан ха- бар олиб, ёрдам кўрсатиб ту- рибмиз.

Кўпинча жасоратнинг мо- ҳияти ҳақида фикр юритамиз, баҳслашамиз. Аммо Алишер Эргашев террорчиларга қарши турганда, дўстларини ҳамма қилаётганда, ўша мудҳиш кун- да бу ҳақда ўйламаган бўлса ке- рак. У ўз бурчини бажарди, она- Ватанини, халқ тинчлигини ҳимоя қилди.

Ватан йулида жонини фидо қилган Алишер Эргашевнинг фарзандлари – қизи Мадинабо- ну ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежи ўқувчиси. Иккинчи қизи Гулжаҳон эса мактабни бити- риш арафасида. Ўғли Шоҳжаҳон эса Ички ишлар вазирлигининг «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасидаги ҳарбийлашти- рилган махсус мактаб-интерна- тида ўқимокда. Алишер Эра- шевнинг мардлиги ва жасури- лигидан намуна олиб, ўқаси Азиз- бек акаси йулидан бориб, Ан- дижон давлат университетини тамомлаганидан сўнг ички иш- лар идораси ходими бўлди, ун- вони лейтенант.

Ватан ўз содиқ фарзандла- рини унутмайди. Катта лейте- нант Алишер Эргашев ўлимидан сўнг «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Борис КЛЕЙМАН.

Андижон вилояти.

Суратда: Алишер Эргашевнинг ота-онаси, рафиқаси ва ўғли.

Шавкат КАҲҲОРОВ олган сурат.



Кўрик-танлов

Тошкент шаҳрида ёнғин хавфсизлиги хиз- мати ходимларининг аҳоли турар жойлари, халқ ҳўжалиги тармоқлари, корхона, муассаса ва ташкилотларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш бораси- даги фаолиятини барқарорлаштириш мақса- дида «Давлат ёнғин назоратининг энг яхши инспектори» кўрик-танлови ўтказилди. Унда мазкур беллашувнинг Қорақалпоғистон Рес- публикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ, ИИБ ЁХББ Навоий кон-металлургия ком- бинати ЁХБ ва Транспорт ИИБ ЁХТБ тизими- да ташкил этилган биринчи босқичи ғолиб- лари иштирок этди.



ЁНҒИН НАЗОРАТЧИЛАРИ БАҲСИ

Қатнашчилар пойтахтдаги республика Онкология илмий марказида ўқув ёнғин-техник текшируви ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун асосли тавсиялар бериш бўйича ўзаро баҳслашди. Шунингдек, махсус тест саволла- рига жавоб бериб, касб маҳора- ти ва билимларини синовдан ўтказишди. Биринчи шарт бўйича Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ, Самарқанд, Навоий вило- ятлари ИИБ ЁХБ, Навоий кон- металлургия комбинати ЁХТБ ҳамда Транспорт ИИБ ЁХБ хо- димлари томонидан тўлдирил- ган ҳужжатлар нисбатан сифат- ли ва қонун-қоидаларга асос-

ланган эканлиги маълум бўлди. Тест якуни бўйича Наманган, Самарқанд ва Фарғона вилоят- лари, Тошкент шаҳри ва НКМК ЁХТБдан ташриф буюрган хо- димлар юқори балл тўплашга эришдилар.

Кўрик-танлов якунига кўра, Тошкент шаҳар Ҳамза туманини ёнғиндан муҳофаза қилувчи 8-ҲЕХО 15-ҲЕХК катта инспек- тури, капитан М. Қўчқоров Ўзе- бекстон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси тизимидаги «Давлат ёнғин назо- ратининг энг яхши инспектори» деб топилди. Унга ИИБ ЁХБнинг Фахрий ёрлиғи топширилди. Кўрик-танлов шартларини

тўлиқ бажариб, барча йўналиш- ларда яхши кўрсаткичларга эришган Самарқанд вилояти Ур- гут тумани ИИБ ЁХБ катта ин- спектори, кичик сержант О. Ота- муродов иккинчи ўринни эгалла- ди. Барча синовларни юқори са- вияда ўтказишга эришгани учун Навоий вилояти Қизилтепа тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, капитан Д. Сувонов ва Навоий кон-металлургия комбинати 2-ҲЕХО 9-ҲЕХК ЁОҒ муҳандиси, кичик сержант Ш. Жумаевлар учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Анвар ХУДОЙҚОВ, майор. Суратда: капитан М. Қўчқоров.

Ғалла – ризқу рўзимиз

ДЕҲҚОНЛАРГА КАМАРБАСТАЛАР

Шаҳрихонлик фермерлар бу йил 7 минг гектар- дан ошиқ майдонга ғалла уруғини қадашди. Улар Ватанимиз омборларига 25 минг тоннадан зиёд қаҳрабон дон топшириш мажбуриятини олишган.

Баҳорнинг серёғин келганлиги, агротехника тад- бирлари ўз вақтида ўтказилганлиги боис барқ уриб турган ғаллазорлар кўзи қувнатди. Деҳқонлар билан бир қаторда Шаҳрихон тумани ИИБ ходим- лари ҳам ҳўсал мўл бўлишига ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Профилактика инспекторлари «Маҳалла посбо- ни» жамоат тузилмаси аъзолари, фермер ҳўжалик- лари вакиллари билан бирга тез-тез экин майдон- ларини айланиб туришибди. Шуниси қувонарлики, ҳозиргача ғаллазорларнинг пайҳон қилиниши ҳола- тига умуман йўл қўйилмади.



Суратда: «Умаржон ҳўжи» фермер ҳўжалиги раҳбари Комилжон Ибраги- мов, Шаҳрихон тумани ИИБ ҲОББ бошлиғи, капитан Зафарбек Аскарлов ва про- филиктика катта инспектори, майор Акмалжон Халиков.

– Бунда аҳоли ўртасида ўтказилган тушунтириш ишларининг аҳамияти катта бўлди. Профилактика ин- спекторлари қишлоқ аҳоли билан бу борада суҳбатлар ўтқа- зиб туришибди, дала қоровулларининг фаолиятини катъ- ый назорат қилишмоқда. Бундан ташқари, қаровсиз қол- дирилган моллар бўғдойзорларга кирмаслиги учун да- лаларнинг атрофи махсус тўсиқлар билан ўраб қўйил- ган, – дейди Шаҳрихон тумани ИИБ ҲОББ бошлиғи, ка- питан Зафарбек Аскарлов.

– Мен 1996 йилдан буён деҳқончилик билан шу- гулланаман, – дея суҳбатимизга қўшилди «Умар- жон ҳўжи» фермер ҳўжалиги раҳбари Комилжон Ибрагимов. – Пахта, бўғдой етиштираман. Утган йили ғаллазорларнинг ҳар гектаридан 40 центнер- дан ҳўсал олдим. Соф даромадим 12 миллион сўмни ташкил этди. Бу йил оладиган даромадим ҳисобидан трактор харид қилмоқ- чиман. Шаҳрихон тумани ИИБ хо- димларига минг раҳмат. Улар экинзорларимизнинг пайҳон қилинишига йўл қўйишмапти.

Ҳа, шаҳрихонлик фермерлар жорий йилда ғалладан мўл ҳўсал олишларига, бўғдой хирмонлари улкан бўлишига ишонибди. Бун- да фермерларга камарбаста бўлаётган, экин майдонларини пайҳон қилинишидан сақлашга, ҳўсални эса нест-нобуд қилмас- дан, талон-тарожа йўл қўймасдан йиғиб олинишига масъул бўлган ички ишлар идоралари ходимла- ри ҳам муносиб ҳисса қўшиши шуб- ҳасиз.

Борис КЛЕЙМАН. Андижон вилояти.

Хизматларда

НОҚОНУЙ МАҲСУЛОТЛАРГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Республикамизга кириб келаётган ва чиқиб кетаёт- ган транспорт воситалари, шунингдек, йўловчиларни доимий назорат қилиш, улар томонидан турли қондабу- зарликлар содир этилишининг олдини олиш йўл ҳара- кати хавфсизлиги хизмати ходимларининг кундалик ва- зифасига айланган. Бундан ташқари, мунтазам ИПХ мас- канларида мамлакатимизга турли сифатсиз товарлар, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари ноқонуний тарзда келтирилишининг олдини олиш диққат марказида.

Жумладан, Бўхоро вилояти ИИБ ЙХБ ИПХ ходимлари шу йўналишда иш олиб бориб, бир қатор ижобий натижаларни қўлга киритишмоқда. Яқинда алоҳида йўл-патруль хизмати отряди ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар вақтида товар-моддий бойликларни ноқонуний олиб кириш билан боғлиқ бир неча ҳолат фож етилди. «Сармихон» мунтазам ИПХ масканида ИПХ инспектор- лари томонидан тўхтатилган,

Хоразм вилояти Ҳазорасп туман- ыда яшовчи Ю. Машарип бош- қарувидаги «Мерседес-Бенц» русумли автобус салони ва юк- хонаси кўздан кеचирилганда тегишли ҳужжатлари бўлмаган, умумий нархи 85 миллион 554 минг 300 сўмлик қандолат, озиқ-овқатлар, маийшй техни- ка, кийим-кечаклар, чинни идишлар ва бошқа турдаги маҳ- сулотлар борлиги аниқланди. Ноқонуний юкларни ички ишлар бўлимига топшириб қайтган хо-

димлар текшириш учун яна бир автобусни тўхтатишди. Шу ту- манда яшовчи О. Жуманиёв бошқарувидаги «Мерседес- Бенц» русумли автобус салони ва юкхонасида хоризда ишлаб чиқарилган, умумий нархи 74 миллион 35 минг сўмлик кийим- кечаклар, пойфазал, трикотаж ва бошқа турдаги буюмлар но- қонуний тарзда олиб кетилаёт- гани ойдлинди.

Мўмай даромад орттиришни ният қилган яна бир фуқаро – Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида яшовчи Т. У. ҳам хушёр ходимлар нигоҳидан четда қол- мади. Шу туманда жойлашган «Тошсака» блок-постидан ўтаёт- ган «Шенци», «Фей-топж» ва «Мерседес-Бенц» русумли юк автомобиллари текширилганда умумий нархи 1 млрд. 145 мил- лион 436 минг сўм бўлган хориз-

да ишлаб чиқарилган пойфазал- лар, сув насослари, кийим-ке- чаклар ва бошқа турдаги маҳсу- лотлар ноқонуний эканлиги фош этилди.

Кўза кунда эмас, кундида си- надди, дейишди. Наҳотки, хай- довчилар ушбу юкларнинг си- қатига ҳеч ким қафолат бера олмаганини билмаган бўлиш- а? Белгиланган қонун-қоидаларни кимдир билиб бузаяпти, бошқа бирор эса ушбу ҳуқуқбузарлик- дан беҳабарлиги оқибатида со- дир этапти. Шундай ҳолатлар- нинг олдини олиш мақсадида соҳа ходимлари корхона, таш- килот ва маҳаллаларда суҳбат- лар ўтказишмоқда. Мазкур тад- бирларда фуқароларимизга қонунларнинг моҳияти, унга зид равишда иш олиб бораётган- ларга нисбатан кўриладиган жа- зо чоралари тушунтириляп-

ти. Жумладан, қонунга зид ра- вишда республика ҳудудига юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган турли товарлар ҳамда уларни ташиндида фойдаланилган транс- порт воситалари давлат иктиё- рига мусодара қилиниши мум- кинлиги айтиб ўтилаётгани ижоб- ий самара бермоқда.

Кези келганда шунчи айтиш лозимки, автокорхона ва таш- килотларнинг раҳбарлари, йўловчи ташини фаолияти билан шуғулланувчи уюшмаларнинг раислари, маҳалла оқсоқолла- ри ҳам ички ишлар идоралари ходимлари билан бирга тарғи- боқ-ташвиқот ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

А. ЮНУСОВ, республика ИИБ ЙХББ инспектори, капитан.

Намунали маслаҳатчи

ЭЛ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИБ

Янги Себзор маҳалласи пойтахтнинг энг обод ва кўркем гушаларидан бири ҳисобланади. Маъсуда Муратбекова ана шу масканда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида фаолият юритмоқда. У олиб борилаётган турли маънавий-маърифий тадбирларда фаоллик кўрсатиб келаяпти.



Кўз тегмасин, маҳалламиз тинч ва осойишта, тобора обод бўлиб бормоқда, — дейди Маъсуда Муратбекова. — Кўп йиллардан буён шу гушада яшаб келаяётганим боис маҳалланинг пасту баландидан бохабарман. Маслаҳатчи бўлиб иш бошлаганимда аввало, аҳолининг турмуш тарзини ўрганишга киришдим. Ҳар куни тўрт-бешта хонадонга бориб, оилаларнинг ижтимоий аҳоли билан яқиндан танишдим. Маҳалламизда жамоатчилик гуруҳи тузилгани яхши наф бераяпти. Мазкур гуруҳ аъзолари ҳар бир хонадонга кириб, у ердаги ижтимоий аҳоли ўрганиш, керак пайтда ўз ёрдами аямаяпти.

Маъсуда Муратбекова маҳаллада ўз ўрнига эга. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мунира Солиқованинг айтишича, у табиятан ҳамгап, камтарин ва меҳрибон аёл. Бирорта фуқаро муурожаат қилганда уни таш-

вишга солган масалани ҳал қилмагунча тиниб-тинчимади. Миллатимизга хос бўлган урф-одатларни тарғиб қилиш, тўй ва бошқа маросимларни ихчамлаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Бугунги кунда Янги Себзор маҳалласида қарийб беш минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Фуқаролар асосан кўп қаватли уйларда яшашди. Бу эса аҳоли ўртасида доимий равишда тушунтириш ишлари олиб боришда бироз қийинчилик туғдиради. Бироқ профилактика катта инспектори, майор Ш. Юнусов, профилактика инспекторлари, майор Ж. Ҳалимов, катта лейтенант Ж. Маллаев ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори Р. Тўхтаевлар жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатгани сабабли яхши натижаларга эришилаётган. Маҳаллада аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлиги

ни ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни турли ёт таъсирлардан асраш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда. М. Муратбекова носоглом муҳитга тушиб қолган шахслар билан доимий равиш-

да профилактик суҳбатлар ўтказиб, уларнинг муаммосини ҳал этишга амалий кўмак бериб келмоқда. Туман ҳокимлиги, маҳалла хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида Тошкент Ислам университети профессор-

ўқитувчилари иштирокида «Диний экстремизм нима?», «Ислам дини нима?», «Дин ҳақида ёшларга тўғри тушунча бериш» каби мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилди. М. Муратбекованинг ташаббуси

билан маҳалла худудидаги уйлар, кўчаларнинг ташки қилинишини яхшилаш, атроф-муҳитни ободлаштириш ишлари аёллар жалб этиб келинмоқда. Оилалардаги тиббий маданиятни ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида шифокорлар билан режа тузилган. Унга кура саломатлик посбонлари аҳоли билан учрашув ўтказишмоқда.

Маҳаллада тўртта нотинч оила бор. Ажралиш истагида бўлган иккита оила Маъсуда опанинг саъй-ҳаракати туфайли отахону онахонлар жалб этилиб, сақлаб қолинди. Бугунги кунда ёш авлод тарбиясига катта эътибор берилаяпти. Бу борада олиб борилаётган мактаб — оила — маҳалла ҳамкорлиги ижобий самара бермоқда. Ёшларни маҳалла ҳаётига жалб этиш, касб-хунар ўрганишлари учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу мақсадда «Шаҳноз» ўқув марказида соғлом этилган рус ва инглиз тилларини ўргатиш, тикиш-бичиш, ҳамширалик ва ўқлаш тўғрисида катта аҳамият касб этмоқда.

учта ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Биргина Махпура Қодирова раҳбарлик қилаётган тикув цехида 100 нафар аёл меҳнат қилаяпти. Бундан ташқари, 60 нафари касаначиликда фаол қатнашиб, оиласига наф келтираяпти. Гилам тўқиш корхонасида эса 120 нафар аёл ишлади.

М. Муратбекованинг жонқуярлиги муносиб тақдирланмоқда. У маҳаллада маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, миллий қадриятларимизни улуғлаш, оилаларнинг тотувлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдаги самарали меҳнатлари учун «Намунали милиция таянч пункти» республика конкурс-курғазмасининг «Маърифий-маънавий етакчи маслаҳатчи» номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

Юрт ободлиги ва эл фаровонлиги йўлидаги фидойилик чинакам мардликка хосдир. Турмуш ўртоғининг вафодор ёри, уч фарзанднинг онаси ҳамда беш нафар набиранинг сукули бувиси Маъсуда Муратбекова ана шу хислат мужассам.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Поста» мухбири.

Суратда: М. Муратбекова (ўртада) маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Солиқова ҳамда профилактика инспектори, майор Ж. Ҳалимов билан бирга.

Шавкат КАҲҚОРОВ
олган сурат.

Тошкент шаҳри.

Ҳамкорлик

Кўнгилсиз ҳолатлар барҳам топмоқда

Корхона, ташкилотлар ва хонадонларни кузги-қишги мавсумга тайёрлаш жараёнининг сўнгги босқичига ўтилган кунлар эди. Оҳангарон тумани ҳокими ИИБ ёнги хавфсизлиги бўлимида бошлиғи, майор Дилшод Эшонқулловдан мавжуд аҳвол ҳусусида батафсил маълумот беришни сўради. Бу борада ютуқлар қаторида қилинган лозим бўлган юмушлар ва камчиликлар рўй-рост айтилди. Гапнинг рости, барча мутасаддилар бошқа ишлар билан банд бўлиб, соҳада тўпланиб қолган муаммолар анчагина эканлигини ҳаёларига ҳам келтиришмаганди.

Имкониятлардан келиб чиқиб, Оҳангарон тумани ҳокимлиги тасарруфидоги мавжуд корхона ва муассасалар учун тўрт миллион сўмга яқин маблағ ажратилди ҳамда бу жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини янада оширишга эътибор қаратилди. Ана шу маблағ ҳисобига 51 та мактаб, 12 та болалар босчаси ёнги хавфсизлиги асбоб-ускуналари, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ишчи гуруҳи тузилиб, ҳар бир корхона ҳамда хонадонлардаги аҳвол ўрганилиб, мавсум беталафот ўтишига шароит яратилди.

Ҳамкорлик кенг шаклланиб, вақти-вақти билан таҳлиллар ўтказиб борилаётгани боис, аввалги даврларга қараганда иш-

лар анча олдинга силжиди. Масалан, ёнги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатлар кейинги ойларида батамом барҳам топди. Бунда фақат зарур ашёларни келтириш билан чегараланиб қолмай, ўтказилаётган тадбирларнинг қўламини кенгайтирилаётгани ҳам мақсадга эришишни таъминламоқда.

Бир мисол. Туман худуди бошқа жойларга қараганда анча катта бўлгани учун махсус гуруҳ аъзолари ҳар ҳафтада 12 та муассаса ёки корхонада ёнги хавфсизлиги бўйича қўшимча машғулотлар, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларида учрашувлар, кечки пайтларда эса маҳаллалар фуқарола-

ри билан суҳбатлар уюштириб, таҳлиллар натижасини сешанба кунлари ҳокимликда муҳокама қилишмаяпти.

— Албатта, эл осойишталигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларимизда ижобий силжишлар кўп. Бироқ айрим муаммолар ҳам йўқ эмас, — дейди майор Дилшод Эшонқуллов. — Айтилиб, кўпгина корхона ва ташкилотларда соҳага оид ускуналар эскирган, талабга жавоб бермайди. Мутасаддилар бир неча бор оғохлантирилишига қарамай аҳвол ўзгармаётгани. Яқинда туман ҳокимлиги яна бир ташаббус кўрсатди. Эскирган жойлар ҳамда ускуналарни тартибга келтириш учун етарли маблағ ажратиб берди.

Ўтган даврлардаги шу йўналишга қаратилган маълумотларга назар ташлаганда кишини бир нарса ўйлантиради. Яъни, ёнги хавфсизлиги қарши курашишда мутасадди ташкилотларнинг соҳадаги ишлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаяётгани кўпга кўнгилсиз ҳолатларга барҳам бериши тайин. Лекин бу борада ҳам эътиборсизликка йўл қўяётганлар учраб туради. Айниқса, уларнинг аксарияти масъул раҳбарлар эканлиги янада ачинарли.

Аниқ мисолларга эътибор қаратсак ўрнили бўларди. Аввалги мавсумда барча шарт-шароитлар яратилганига қарамай 36 та корхона ва ташкилотда қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилиб, 28 нафар раҳбарга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилган. Таассуфки, улар ҳануз бундан ҳулоса чиқаришмаган қўринадди. Акс ҳолда жорий йилда яна 18 нафар мансабдор шахс худди шундай ҳолга тушмаган бўларди.

Ўт кетса ҳулу қуруқ бирдай ёнади. Шундай экан, ёнги келиб чиқишини кўтмасдан унинг олди олинса, аввало, ўша корхона, ташкилот ёхуд хонадондагилар учун фойдадан холи бўлмаслиги унутилмас ба!

Абдусам ҲАҚБЕРДИЕВ.

Тошкент вилояти.

Кинология хизмати

ЭГАСИГА СОДИҚ «ЛОБА»

Йўл-патруль хизмати ходими ишораси билан четга ўтиб тўхтаган энгил машина ҳайдовчисининг хотиржамлиги, кечаяқ кундуз ўтиб-қайтадиган минглаб ҳайдовчилардан асло фарқ қилмасди. Бироқ...



Инспектор-кинолог Нодиржон Муродов «Лоба» лақабли хизмат итига емак бериш билан машғул эди. Тўхталган машина ҳайдовчиси билан хизмат юзасидан гаплашиб, салони ва юкxonани кўздан кечирган ИПХ ходими машинада қонунда тақиқланган бирор нарса тополмаган бўлса ҳам барибир хизмат итининг ёрдами зарурлигини дилида ҳис этди. Шу сабабли ҳайдовчидан бироз кўтиб туришни сўради. Бу орада Нодиржон эпчил ва зийрак итини етаклаб келди. Инспектор ишорасидан сўнг ит эшикларини ва юкxonани очиб қўйилган машинадаги халта ҳамда қутилар устига чиқар, тушиб бир неча метр узоқлашар, яна юкxона сари талпинарди. Бу ҳолат икки-уч марта такрорланган юклар орасига панжасини тикиб, қаттиқ тамшанди.

Инспектор-кинолог гап нимада эканлигини дарҳол фаҳмлади ва юкни машинадан тушириш лозим, деб топди. Зийрак «Лоба» янглишмаган эди. Юкxонадан топишган нақ икки килограмм гиёҳвандлик моддаси далилий ашё сифатида мусодара қилиниб, ҳайдовчининг иши терговга оширилди.

Нодиржон Муродов олий ўқув юртини

тамомлаб, қўлига педагогик дипломини олган аввал мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Аммо ёшликдаги орзуси устун келиб, ички ишлар соҳасида хизмат қилишга аҳд қилди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. У ҳарбий хизматни ўтаган пайтда кинолог вазифасини пухта ўзлаштирганди. Шу боис ички ишлар идорасида иш бошлаган дастлабки пайтлар ҳарбий хизматда орттирган тажрибаси, ишларни ўргата олиш қобилияти унга янада кўпроқ ишонч бағишлади. Мана, шунга ҳам 9 йил бўлибди.

Ишни оддий кинологикдан бошлаган Нодиржон бу касбни пухта ўзлаштиргач ИПХ инспектор-кинологи вазифасига ўтказилди. 2007 йилдан эса кичик сержант вилоят ИИБ ИХХБ алоҳида йўл-патруль

хизмати отрядида инспектор-кинолог бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкасблари у билан боғлиқ бир воқеани яхши эслашди. Ушунда соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда профилактик тадбир ўтказилаётган эди. ИПХ маскани томонга «Тошкент-Бухоро» йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб келаятган транспорт воситаси тўхтатилди. Унда йўловчи сифатида келаятган Самарқанд туманида яшовчи Н. Р. нинг ёни текширилганда 998 граммдан ортиқ гиёҳвандлик моддаси топилди. Ушунда ҳамкасбларимиз кинологга ҳам, унинг «Лоба» лақабли топқир итига ҳам тан беришганди.

Сулаймон ШОДИЕВ.

Навоий вилояти.

Одам савдоси — оғир жиноят

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ

Жамиятимизнинг барча жабҳаларида кенг қўламдаги ислохотлар амалга оширилмоқда. Хорижий давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий ва сийбон соҳаларда яқин ҳамкорлик алоқалари қизғин давом этаёпти. Фуқароларимизнинг хорижий мамлакатларга чиқиб таълим олиши, тажриба алмашиши, саёҳат қилиши, ишлаши учун катта имкониятлар яратилмоқда. Бунинг натижасида миграция жараёнилари бир мунча фаоллашди. Чет мамлакатларга чиқаётган юртдошларимизнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Аммо айрим кимсалар бундай қулайликлардан фаразли мақсадларда фойдаланиб, ўзгаларнинг ташвиши эвазига бойлик орттиришга уринаяпти.

Ҳозирда одам савдосига қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш, юзага келган муаммоларни бартараф этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб борувчи вилоят идораларо комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу комиссия ва ишчи гуруҳи аъзолари томонидан хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, соғлини сақлаш, молия ва иқтисодиёт бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг масъул ходимлари ҳамкорлигида корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилаяпти. Ушбу тадбирларда фуқаролар

ҳаётига жиддий хавф солаётган салбий иллатларни ўзида акс эттирган «Алданганлар» видеофильми намойиш қилинмоқда. Шунингдек, учрашув катнашчиларига турли плакатлар, Россия Федерациясига ҳамда Қозғоғистон Республикасига ишга борадиганлар учун эслатмалар, буклетлар тарқатилаяпти. Вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2009 йил давомида 59 минг 192 та янги иш жойлари ташкил этилиб, белгиланган дастур кўрсаткичи 100,2 фоизга бажарилди. Вилоят ИИБ ва унинг тизимлари томонидан аниқланган маълумотларга қараганда, ўтган йил давомида иш излаб ёки тижорат

юмушлари билан вилоят худудидан чиқиб кетган фуқаролардан 47 нафари хорижий давлатлардан депортация қилинган.

Бу борада яратилаётган имтиёزلарни янада кенгайтириш мақсадида 2010 йилда ҳам қатор ишлар режалаштирилди. Хорижий давлатлардан қайтиб келган фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида тиббий кўрикдан ўтказиш гуруҳлари ташкил этилди. Жойлардаги тарғибот-ташвиқот ишларига етакчи мутахассислар жалб қилинди.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида вилоят ички ишлар идораларига одам савдоси билан боғлиқ 207 та ариза келиб тушган бўлиб, улар атрофлича ўрганиб чиқилди ва белгиланган тартибда қонуний чоралар кўрилди. Шунингдек, ушбу давр мобайнида одам савдосига оид 4 та жиноят иши кўзга ташланди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 та кам демакдир. Хорижий давлатлар қонун-қоидаларини бузиб, ўзга юртлардан депортация қилинган фуқароларимиз сони эса кескин камайишга эришилди. Вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги қуйи тизимлари то-

монидан 15 минг 424 та иш ўрни ташкил этилди.

Аммо шунча саъй-ҳаракатларга қарамай баъзи фуқароларимиз ҳамон одам савдоси қурбонига айланмоқда. Мисолларга муурожаат қиладиган бўлсак, Ҳазорасп туманидаги Охунбобоев кўчасида истиқомат қилувчи Н. А., урганчлик Ш. А. ҳамда Ҳазорасплик Б. Қ. ўзаро жиноий тил бириктириб, Ҳазорасплик Т. Хуршида, Х. Саломат ҳамда Х. Халималарни алдаб, чет элга олиб бориб, фоҳишалик билан шугулланишга мажбур қилишган. Урганчлик М. Насиба эса Янгиабди туманида яшовчи Ж. Зайнабни Россия Федерациясига олиб бориб, ресторанда официант бўлиб ишлайсан, ойига 2000 АҚШ доллари оласан, деб алдаб, ундан шахвоний мақсадларда фойдаланган.

Бундай воқеалар ҳар қандай кишининг қалбини жунбушга келтиради. Ушбу иллат қисқа вақт ичида жамиятимизга салбий таъсир кўрсатишга улгурди. Агар ҳаммамиз бирлашиб унинг олдини олмасак, инсонлар ҳаётига янада жиддий хавф туғдириши мумкин.

Махсуд ЭШЧОНОВ,
вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиғи,
подполковник.
Ҳоразм вилояти.

Хизматларда

ИШОНЧ ОҚЛАНМОҚДА

Учқўрғон тумани ИИБ ҳузурдаги қўриқлаш бўлимидаги шахсий таркиби бугунги кунда ўзларига топширилган жами қарийб 60 та бинонинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаб, билдирилган ишонччи тўла оқламоқдалар. Бунда қўриқланаётган ва янгидан қабул қилинган биноларнинг энг замонавий қўриқлов воситалари билан жиҳозлангани ҳамда ходимларнинг маънавий-маърифий билимининг оширишга, уларнинг касбий тайёргилигини кучайтиришга катта эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлаётган.

Энг асосийси, қўриқланаётган биноларда ўтган йили ўғирлик ёки бошқа бирор ноҳус ҳолат содир бўлишига йўл қўйилмади. Майда ташмачилик содир этган 304 нафар фуқарога нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қонуний чора кўриш учун тегишли идораларга юборилди. Улардан мусодара қилинган жами 1 млн. 200 минг сўмликдан зиёд товар-моддий бойлик ўз эгаларига қайтарилиб, ҳуқуқбузарларга туман суди томонидан жарима солинди.

Булардан ташқари, бўлима ходимлари туман худудида ўтказилаётган «Тозалаш - Антитеррор», «Арсенал», «Қидирув», «Тонг» ва бошқа мақсадли тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда, жамоат тартибини сақлашда муносиб ҳисса қўшишмоқда. Улар томонидан ўтган йил мобайнида жамоат жойларидан спиртли ичимлик истеъмол қилган, йўл ҳаракати хавфсизлигини бузган, майда безорилик қилган ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этган жами 1420 нафар шахсга нисбатан тегишли чора

қўрилди. Бошқа хизматлар билан ҳамкорликда 11 та жиноят фош этилди. Шунингдек, тадбирлар жараёнида шахсий таркиб томонидан бир нафар қидирувдаги шахс ушланди ва ноқонуний қурол сақлаётган фуқаро аниқланди.

Шахсий таркибнинг ўз вазифасини мукаммал адо этиши, спорт билан шугулланиши ва маданий дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Режа асосида ўтказилаётган ўқув машғулотларида уларнинг касб малакаси синовдан ўтказиб борилади. Яқинда қўриқланаётган объектлар раҳбарияти билан ҳамкорликни тақомиллаштириш мақсадида турли ўқув машғулотлари ўтказилди. Бундай машғулотлар ходимларнинг касб ва жанговар мажоратларини оширишга ва ҳар қандай ҳолатга тайёр бўлишлари хизмат қилмоқда.

Рустамжон ДАРИББОЕВ,
майор.

Наманган вилояти.

Маърифат дарси

